



DEVELOPMENT OF VARIOUS ANIMATION PROGRAMS FOR TOURISTS IN BUDDHIST MONUMENTS AND WAYS TO IMPLEMENT THEM

A.S. Abdukhamidov

Associate Professor

Samarkand Institute of Economics and Service

Samarkand, Uzbekistan

A.P. Makhmudova

Associate Professor

Samarkand Institute of Economics and Service

Samarkand, Uzbekistan

N. Mukhammadiev

Researcher

Samarkand Institute of Economics and Service

Samarkand, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Buddhism, tourism, monuments, animation.

Abstract: The article provides information and discusses the development of various animation programs for tourists in Buddhist monuments and ways to implement them.

Received: 02.06.22

Accepted: 04.06.22

Published: 06.06.22

БУДДИЗМ ОБИДАЛАРИДА ТУРИСТЛАР УЧУН ТУРЛИ АНИМАЦИОН ДАСТУРЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

A.C. Абдухамидов

Доцент

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Самарқанд, Ўзбекистон

A.П. Махмудова

Доцент

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Самарқанд, Ўзбекистон

H. Муҳаммадиев

Тадқиқотчи

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Самарқанд, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Буддизм, туризм, обида, анимация.

Аннотация: Мақолада буддизм обидаларида туристлар учун турли анимацион дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш йўллари тўғрисида маълумотлар берилган ва муҳокама қиллинган.

РАЗРАБОТКА РАЗЛИЧНЫХ АНИМАЦИОННЫХ ПРОГРАММ ДЛЯ ТУРИСТОВ В БУДДИЙСКИХ ПАМЯТНИКАХ И СПОСОБЫ ИХ РЕАЛИЗАЦИИ

А.С. Абдухамидов

Доцент

*Самаркандский институт экономики и сервиса
Самарканд, Узбекистан*

А.П. Махмудова

Доцент

*Самаркандский институт экономики и сервиса
Самарканд, Узбекистан*

Н. Мухаммадиев

Исследователь

*Самаркандский институт экономики и сервиса
Самарканд, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Буддизм, туризм, памятники, анимация.

Аннотация: В статье представлена информация и рассмотрены вопросы разработки различных анимационных программ для туристов в буддийских памятниках и пути их реализации.

КИРИШ

Кишининг маънавий, рухий, жисмоний тикланишида кўнгил очар дастурлар юкори савияда, мохирлик билан ижро этилиши талаб этилади. Хордиқ чиқариш профессионал ва оилавий масалаларни ҳал этишда, ўзига ишонч ҳосил қилишда, ҳаётга ижобий қарашда, шу билан бирга инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда яқиндан ёрдам беради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда хизматлар кўрсатиш соҳасидаги аниматорлик хизматлари замонавий хизмат турлари сифатида талқин қилиниб, унга талаб туристик фирмалар томонидан ортиб бормоқда. Бунда театр ва фолклор гуруҳлари томонидан ташкил этилаётган турли хилдаги дастурлар фикримизнинг исботидир. Ҳозирги замонда туризм нафақат тинчлик элчиси, балки халқлар ўртасида маданият ва санъат намуналарини тарғиб қилувчи куч ҳисобланади

Анимация сўзи лотинчадан келиб чиққан бўлиб, (**анима**-шамол, ҳаво, жон; **аниматус** – жонлантириш) яъни **жонлантириш, руҳлантириш, ҳаётгий кучга рағбатлантириш, фаолликка ундаш** деган маънони англатади.

Анимация – бу ўзига хос хизмат тури бўлиб, у хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадини назарда тутади ва шу билан бирга у меҳмонларни уларнинг таниш билишларини қайта жалб этиб, туристик бизнеснинг фойдали ва даромадлигини ошириш учун туризм бозорида туристик маҳсулотларнинг сотилишини тезлаштириш мақсадини кўзлаган ўзига хос рекламанинг бирор шакли бўлиб ҳисобланади.

Туризм соҳасида анимация ўзида аниматорларнинг туристлар билан бирга бўладиган бўш вақтида расмий ва норасмий раҳбарликнинг қўшилиши асосида ўзаро ҳамкорликни амалга оширувчи мутахассислар йўл бошчилигини англатади. Бундай ўзаро ҳамкорлик натижасида ушбу жараён иштирокчиларининг соғломлаштириш, маданий-ижодий, таълимий эҳтиёжлари ва қизиқишлари қондирилади.

Анимация – бу туристик фаолиятнинг хилма-хиллиги бўлиб, у туристик корхоналар (туркомплекслар, меҳмонхоналар, саёҳат кемалари, поездлар ва ҳ.к.)да амалга оширилади. Қайсиқим, у бўш вақт учун ишлаб чиқилган махсус дастурда иштирок этиш орқали туристларни турли хил тадбирларга жалб қилади.

Анимация турли хил характерли қирраларга эга бўлиб, у қуйидагилардан иборат бўлади:

- бўш вақтда амалга оширилади;
- эркин англаниши, кўнгиллиги, ҳам бир киши, ҳам турли ижтимоий гуруҳлар ташаббуси, фаоллиги билан фарқ қилади;
- миллий, диний, ҳудудий хусусиятлари ва анъаналар билан боғланган;
- катталар, ёшлар, болалар турли қизиқишлари асосида хилма-хил турлари билан характерланади;
- ўта шахсийлиги, ривожланувчанлиги, соғломлаштириш ва тарбиявий характердалиги билан ажралиб туради.

Тақидлаш жоизки, анимацион жараён давомида аниматор туристларга воқеа содир бўлган объектларни кўришга ёрдам беради. Бу маълум мавзуда берилган воқеани томошабин сифатида қабул қилиш имконини беради. Зарур ахборотларни эшитиш ёки кўрганларини мусиқа остида тўлдириш, ўзи худди шундай қилиб кўришга уриниш, жараёнга қўшилиш, амалий кўникмаларни эгаллаш.

Ташкилотчилар анимация дастурини шакллантириш давомида қуйидагиларни аниқлашлари керак:

• Мақсадли дастурнинг аудиториясини (анимация дастури кимга мўлжалланган) кимлар ташкил этади?

• Анимация дастури мазмунида (асосий ғояси, мақсади, вазифалари) нима ётади?

Буддизм обидаларида туристлар учун анимация технологиясидан фойдаланиш асосида аниматорнинг меҳнат усуллари тўпламини, ушбу меҳнатни ташкил этиш, мослама ва асбоблардан фойдаланишни тушуниш мумкин. Буддизм обидаларида туристлар учун анимацион дастурларни яратиш ва сотиш (реализация қилиш) – мураккаб жараён ва кўп режалидир. Чунки у қуйидаги вазифаларни ҳал этади:

- анимация дастурларини тузиш;
- дастурлар иқтисодий қийматини ҳисоблаш;
- дастурларни реклама қилиш;
- уларни реализация қилиш;
- анимацион дастурларни таҳлил этган ҳолда ижодий равишда уни амалга тадбиқ қилиш.

Ушбу технологик жараёнлар ўзида бутун бир тизимни мужассамлаштиради ва барча компонентлар ўзаро ҳаракатда бўлади.

Анимацион дастурларни тузиш ва реализация қилиш тизими сифатида ўзаро боғланган бир неча **тизим ости** вазифалар ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

• тизим ости ташкилий ишлари – иқтисодий, техник, реклама бўлимларининг биргаликдаги анимацион фаолияти командаси (гуруҳи)ни ташкил этиш;

• инструкторлик-методик тизим ости – тадбирлар сценарийсини тузиш ва қайта ишлаш, экскурсия матнларини ишлаб чиқиш, спорт ўйинлари ва мусобақаларини танлаб олиш, тажрибаларни умумлаштирган ҳолда методик тавсияларни ишлаб чиқиш билан походларнинг маршрутларини тузиш;

• тизим ости режиссёрлиги – ролларни тақсимлаш, репетиция режаси, сахналаштириш;

• техник тизим ости – анимацион тадбирлар учун майдон (сахна), реквизитлар, декорация, ёриткичлар, мусиқа куйлари, костюмлар ва бошқаларни тайёрлаш.

Барча тизим остилар технология тизимини ташкил этади ва анимацион хизматнинг ишлашига асос бўлиб хизмат қилади. Анимацион фаолият ўзига хос бўлган қоидалар асосида ҳаракат қилувчи реал ва мутлақо ўзгача оламдир. Бу ҳаракатни профессионаллар яъни касбий тайёргарликка эга бўлган мутахассислар амалга ошириш жараёнида имкон қадар кўпроқ одамларни жалб қилиш учун қўллашади. Бу ерда анимацион фаолиятни ишлашининг ўзига хос қонуниятлари мавжуд.

Буддизм обидаларида туристлар учун анимацион дастурлар тузиш технологик жараёни ўз ичига қуйидаги элементларни киритади:

- фаолият объектлари хизмат кўрсатиладиган аҳоли ташриф буюрувчилар (алоҳида шахслар ва одамлар жамоалари);
- фаолият субъектлари: анимацион хизматлар раҳбарлари, мутахассислари;
- анимацион хизматнинг ўзи (субъектнинг субъектга ўзаро тасир жараёни) унинг бутун компонентлари билан.

Технологик жараённинг ҳамма ишлаш элементлари биргаликда ва ўзаро ҳаракатда бўлади ҳамда ягона тизимни ташкил қилади. Ушбу тизимда асосий элементлар – фаолият объектлари, одамлар: туристлар, меҳмонлар, дам олувчилар, ҳамма нарса уларнинг жисмоний ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Шунинг учун мутахассис – аниматорлар ушбу эҳтиёжларни билиши лозим, ҳар куни улар аудиторияни, аҳоли турли гуруҳлари кайфиятлари ва қизиқишларини ўрганишлари зарур. Одамларни билмасдан туриб, қутилган натижага эришиш қийин, аудиторияга ҳиссий таъсир этиш ва интеллектуал самарадорликни ошириш мушкул бўлади.

Буддизм обидаларида ёки буддизм обидалари қолдиқлари жойлашга жойларда туристлар учун анимацион дастурларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш босқичлари. Буддизм обидаларида у ёки бу анимацион дастурларни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича ишларни бир неча босқичларга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич (енг катта ва масъулиятли босқич) – тайёргарлик бўлиб, у ўз таркибига қуйидагиларни киритади:

- буддизм обидаларида таклиф этилаётган анимацион дастур таҳлили;
- буддизм обидаларида таклиф этилаётган анимацион дастурлар мақсад ва вазифаларни аниқлаш;
- дастурни ўтказиш жойи ва вақтини танлаш;
- буддизм обидаларида таклиф қилинаётган анимацион дастурларни ёши, этник ва ушбу хизмат истеъмолчиларининг бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштириш;
- дастурга киритилган анимацион тадбирлар сценарийларини танлаш ёки тузиш;
- дастурларни ўтказишга сарфланадиган ҳаражатлар сметасини тузиш;
- ижодий жамоани танлаб олиш, анимацион команда (гуруҳ) ичида бурчларни тақсимлаш;
- техник тайёрлаш: инвентарлар сотиб олиш, декорация, кастюмлар, реквизитлар ва ҳ.к. тайёрлаш;
- товуш ва ёритиш аппаратларини ва бошқа техник воситаларни ўрнатиш, сахнани жиҳозлаш, фонограмма ва бошқаларни тайёрлаш;

- репетиция ўтказиш, ўйин қоидаларини ўргатиш ва бошқ.;
- белгиланган анимацион тадбирларга реклама компаниясини ўтказиш.

Иккинчи босқич – анимацион дастурни ўтказиш, бу барча иштирокчилар учун энг мураккаб ва масъулиятли иш ҳисобланади. Бу ҳамма аниматорларнинг кучини бирлаштиришни тоқоза этади, асабий зўриқишни енгиб ўтиш ва қўйилган вазифани бажаришни талаб қилади.

Учинчи босқич – яқунни чиқариш: ўтказилган дастурни таҳлил қилинади; таҳлил билан бирга истеъмолчилар анкета сўровлари умумлаштирилади; дастурни такомиллаштириш ишлари олиб борилади. Шундай қилиб, технологик жараён уч асосий босқични ўз ичига олади: тайёргарлик қисми, дастурни ўтказиш ва ўтказилган дастурни таҳлил қилиш.

Буддизм обидаларида ёки буддизм обидалари қолдиқлари жойлашга жойларда туристлар учун таклиф қилинаётган анимацион дастур рекламаси. Анимацион дастурнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан реклама компаниясининг тўғри ташкил этилишига боғлиқ бўлади. Маълумки, реклама товарларни истеъмолчилик хусусиятлари ва хизмат турларини уларга талабни ошириши мақсадида истеъмолчиларга етказиш ҳисобланади. Шундай бўладигани, анимацион дастурлар жуда паст даражада реклама қилинади. Ҳатто ушбу дастур бор туристик корхоналарда ҳам.

Буддизм обидаларида ташкил қилинадиган анимацион дастурни реклама қилиш – бу шундай воситаки, истеъмолчида уларга қизиқиш уйғотиш мақсадида мазмуни, хусусиятлари, жозибadorлиги ҳақида маълумот берилади, истеъмолчилар реклама қилинган товарни сотиб олиш билан анимацион дастур иштирокчисига айланади. Анимацион дастурлар рекламасини ишлаб чиқишга кириша туриб қуйидагиларга амал қилиш зарур бўлади:

- дастур реализацияси, реклама материаллари нархлари ва бошқалардан олинadиган фойдага кўра ўз молиявий имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда рекламага молиявий ҳаражатларни баҳолаш;
- потенциал истеъмолчиларни аниқлаш ва уларни демографик (ёши, жинси), этник белгилари, ижтимоий мақоми, даромад даражаси ва бошқалари бўйича таърифини тузиш;
- рақобатчиларни аниқлаш, ўз дастурларининг устунлигини аниқлаш ва унга рекламада эътиборни тортиш;
- рекламани тарқатиш каналлари ва усулларини аниқлаш.

Ўз фирма стилини ишлаб чиқиш жуда муҳим, қайсиким таклиф қилинаётган анимацион дастурлар сифатининг кафолати сифатида қабул қилинади. Ўз фирма стилини ишлаб чиқиш чоғида қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур бўлади:

- фаолиятнинг асосий йўналиши;

- ишлаб чиқиладиган дастурларнинг мўлжалланган бозор сигментлари;
- асосий реклама воситалари;
- ишлаб чиқиладиган дастурларнинг хусусиятлари ёки устунлиги.

Буддизм обидаларида туристлар учун таклиф қилинаётган ҳеч бир анимацион тадбир сценарийсиз ҳолатда ўтказилмайди. Ҳар бир янги сценарий янги фикрларни, ҳис-туйғуларни, ғояларни талаб этади. Анимация дастури муаллифнинг идрокини, моддий ҳаётни, айниқса, адабий, бадиий ва мусиқий театр турларини, маданий ишларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттириши лозим.

Бадиий ва ҳужжатли материалларни умумлаштириш (фактлар, расмлар, видеолар) кинодраматурглар ҳамда драматургларга муваффақиятли дастур тузилиши учун йўл-йўрик топишга ёрдам беради. Буларнинг барчаси тасвир орқали қабул қилиш билан шаклланади.

Сценарий устида ишлаш жараёнида унинг ажойиб, қизиқарли, динамик бўлиши лозимлигини эсда сақлаш керак. Сценарий тайёрловчилар мавжуд усуллар ва шакллардан фойдаланган ҳолда томошабинларнинг ҳиссиётига таъсир ўтказиш воситаларини диверсификация қилиш керак. Буддизм обидаларида анимацион-театрлаштирилган тадбирларни амалга оширишда туристлар ҳамда томошабинларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу хусусиятлар туристик аниматорларга жуда катта муваффақиятларга эришишда ёрдам беради.

Буддизм обидаларида ва буддизм обидалари қолдиқлари жойлашган жойларда сценарий тайёрловчи гуруҳнинг аниматор-менежерлари мавзули кечалар, мусобақалар, танловлар, викториналар, буддалар ҳаётига оид театрлаштирилган концертлар, спектакллар, маскарадли шоулар, рақс баллари, карнаваллар ва бошқаларни тузиш билан шуғулланади.

Театрлаштирилган анимация дастурларида шеърлар, қўшиқлар, рақслар, конкрет материаллар асосидаги матнлар, айниқса буддалар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган воқеалар аудиторияни янада қизиқтиради. Театрлаштирилган анимация дастурларида фильм воқеалари ёки бирор китоб асос қилиб олиниши мумкин.

Тадбир натижалари бўйича махсус элементлар: видео ёзувлар, газета материаллари, слайдлар тайёрлаш; босма нашрлар, янгиликлар, таклифномалар, плакатлар, маҳаллий эшиттиришлар ташкил қилиш, маҳаллий газетада босма нашрларни ташкил этиш; экран орқали фотографик материаллар бериш; таҳлил қилиш кабиларни ташкил қилиш лозим.

Буддизм обидаларида таклиф қилинаётган анимация дастурини ривожлантириш бўйича адабий сценарий тайёрлашнинг ўзига хослиги бор. У асосий йўналишлари ва мақсадлари кўра:

- педагогик
- психологик

- этик
- эстетика
- нутқ маданиятини ривожлантириш
- актёрлик маҳоратини ошириш вазифасини бажарувчи кабилар бўлиши мумкин.

Ушбу обидаларнинг анимация дастурларида қуйидаги усуллар қўлланилади: тақдимот намойиши, машқлар, таклиф, ишонтириш, томоша, ўйин-кулги, маърифий-илмий.

Сценарий ривожлантириш даражасига қараб қуйидагича бўлиши мумкин:

- Асл муаллифлик сценарийси, ўзининг оригиналлиги, мазмунинг тўлиқ ва мазмунан такрорланмаслиги, маълум бир тарздаги шакли ва янги ижодий эчимлари борлиги билан ажралиб туради, У томошабинларнинг чуқур ҳиссий қарашларини ўз ичига олади.

- Компиляция ҳарактеридаги сценарий - бу таниқли ҳикояларнинг қисмлари, матнларидан фойдаланилган ҳолда, қайта ишлаш натижасида тайёрланган сценарийдир. ш бўйича қурилган қисм, матнлар, ташкил монтажлар бор. Ушбу сценарий тури анча машҳур ва энг кенг тарқалган, лекин бунда муаллифнинг маълум бир даражада шахсий фикри, ўзига хослиги мавжуд бўлиши лозим.

- Кутилмаган сценарий, асосий сценарий бўйича тадбирлар яқунланиш арафасида туристик етакчи учун тайёрланган матнлардир. Асосий эътибор аудитория билан бўладиган тасодифий суҳбатга берилади. Ушбу сценарий ижодкорлик, ўзига хослик, шунингдек, кутилмаган элементлар билан тўлдирилган бўлиши керак.

Барча сценарийларни тузишда муаллифлар жамоаси ҳаваскор шоир ва ёзувчилар, газета ва журналлар, филмлар ва радиоларнинг таҳрир ҳайъатлари, адабий ва бадиий бирлашма вакиллари ўз ичига олган бўлиши мумкин.

Буддизм обидаларида таклиф қилинаётган анимацион дастурлар сценарийни ишлаб чиқишда у қуйидагиларни ўз ичига олади: сценарий режаси, бадиий сценарий ҳамда режиссорлик сценарийси.

Сценарий режаси театрлаштириладиган тадбирларнинг умумий мазмунини акс эттиради.

Бадиий сценарий - кинематография, телевидения, театр, цирк кабилар орқали намойиш қилиш учун мўлжалланган адабий асар.

Режиссорлик сценарийси - муаллифнинг ижодий режаси, индивидуал иш талқини, барча иштирокчилар: санъаткорлар, рассомлар, бастакорлар ва ижрочиларни намойиш учун бирлаштириш бўйича ишлаб чиқилган ижодий ишдир.

Буддизм обидаларида буддизм обидалари қолдиқлари жойлашган жойларда таклиф қилинаётган анимацион дастурларида қуйидаги асосий йўналишлар акс эттирилиши керак:

- Диний дунёқарашни шакллантириш, ватанпарварлик ва халқаро тарбия;

- Дам олишни маданий ташкил этиш, болалар ва ўсмирларнинг ахлоқий, эстетик, муסיқа ва бадиий таълим жиҳатлари билан ишлаш;

- Буддизм обидаларида унутилмас, оригинал, ўзгача дастурни яратиш, аудитория орасида қизиқишни рағбатлантириш;

Ушбу обидаларда ташкил қилинадиган анимацион томошалар учун сценарий ғояси қуйидаги қисмлардан иборат:

- Мавзу – мазкур тадбир бағишланадиган воқеа-ҳодисалар;
- Ғоя - муаллифнинг асосий фикри, унинг қарашлари;
- Энг муҳим вазифа - пировард мақсади санъат яратиш.

Мавзули анимация дастури, кечки концерт ёки байрам тадбирларини тасодифий ўтказиш мумкин эмас, у пухта ва чуқур ишлаб чиқилган бўлиши керак. Аниқ режа - мавзули кечанинг самарали ва қизиқарли ўтишининг муҳим шартларидан биридир.

Муаллифнинг сири жозибадор мавзунини топишдир. Икки ёки ундан ортиқ сценарийни бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқиш қизиқишни камайтириб, томошабинларнинг эътиборини чалғитади. Ҳатто кечки ўйин-кулги дастурини ўтказиш мўлжалланган бўлса-да, ҳар бир воқеа - унинг мақсади, мавзуси, алоҳида маънога эга бўлиши керак.

Сценарийни ривожлантириш омиллари бўлиб воқеалар, ҳужжатлар, фактларни, иштирокчиларнинг таржимаи ҳолларини, энг динамик, комик, фантастик ҳикояларни, карикатураларни, қизиқарли викториналарни ўрганиш, видео, слайдлар тайёрлаш, ижодий имкониятларни ишга солиш кабилар ҳисобланади. Манагер-аниматор дастурни энг қизиқарли, воқеага тегишли, ўзига хос ғайриоддий нарсаларни танлаши, тасаввур қилиши, қизиқарли ўйинлар, танловлар, кўрик-танловлар, театрлаштирилган томошалар билан тўлдириши муҳим аҳамиятга эга.

Мавзусини ривожлантиришга алоҳида ёндашиш, тадбир ғояси бўйича зарур материалларни танлаш - анимация гуруҳининг муҳим вазифасидир. Фақат сценарий орқали ташкилотчилар индивидуал муносабатларга таянган ҳолда муваффақиятли ишлаши мумкин. Шахсий муносабат ижобий таъсир кўрсатган ҳолда томошабинларда маълум бир кайфиятни яратади.

Анимация жамоаси фаоллари буддизм обидаларида таклиф қилинаётган ва режалаштирилган тадбир сценарийсини шакллантиришнинг дастлабки босқичида, авваламбор жанрни аниқлаб олиши керак:

- ҳужжатли; санъатга доир;
- илмий-оммабоп;
- ҳазил-мутойибали;
- театрлаштирилган ҳажвий.

Оммавий-ўйин тадбирлари сценарийсида тахминий ўйинлар, уларнинг шартлари, қилинадиган ҳаракатлар батафсил баён қилиб берилди.

Театрлаштирилган воқеа-ҳодисаларнинг сценарийсида монологлар, суҳбатлар, ҳаракатлар тавсифи, белгилар ва ҳиссий ҳаракатлар батафсил ёзиб қўйилади.

Оммавий фестивалларнинг байрам сценарийсида индивидуал иштирокчиларнинг чиқишлари кетма-кетлиги, мусиқа, театр ва цирк жамоаларининг ҳаракатлари, байрам жараёни пухта баён этилади, ҳар бир иштирокчининг чиқиш тартиби ва вақти белгиланади.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ташриф буюрувчи туристлар яъни буддизм дини вақллари учун, буддизм обидаларида ёки буддизм обидалари қолдиқлари жойлашга жойларда анимацион тасурларни ташкил қилиш туристларнинг янада қизиқишларини ошириш табиий. Шу туфайли, айниқса Сурхондарё вилоятида жойлашган буддизм қолдиқларида, маълум бир тарихий даврни турли анимацион усуллар асосида жонлантириш лозим. Бунда ташриф буюрувчи туристлар яъни зиёратчиларнинг иштирокини таъминлаш уларнинг таассуротларини янада кучайтиради.

Анимацион дастурлар тайёрлаш тартиби, босқичлари ва тамойилларидан келиб чиққан ҳолда "Қоратепа мўжизалари", "Фаёзтепа тарихига бир назар", "Зурмала: тарих ва бугун" каби анимацион дастурлар тайёрлаш дунёнинг турли бурчакларидан келган туристларнинг зиёрат ва бам олишга, ҳамда обида тарихини ўрганишга бўлган эҳтиёжи максимал қондирилади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son Farmoni.
2. Raximov Z.O. Turizm sohasida mehmonxonalar xo‘jaligini rivojlantirishning ijtimoiy-iqtisodiy muammolari.// Monografiya. – Samarqand: SamISI, 2021. 212 bet.
3. Raximov Z.O., Ibadullaev N.E., Xaitboev R. Turopereuting.// Darslik. – Toshkent: «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», 2021, 396 bet.
4. Raximov Z.O., Ismailov N.I. Rivojlanayotgan raqamli iqtisodiyotda raqamlashayotgan turizmning ahamiyati./ Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universitetining Axborotnomasi. Nukus 2020 yil 3-son (ISSN 2010-9075). 42-45 bet.
5. Raximov Z.O. Raqamli iqtisodiyotda raqamlashayotgan turizmning yangi turlarining rivojlanishi./ SamISIda o‘tkazilgan «Turizmда innovatsion-investitsiya jarayonlarini rivojlantirish istiqbollari» mavzusida xalqaro onlayn ilmiy-amaliy konfrensiyasi. (2020 yil, 3-iyun) – Samarqand: SamISI, 2020.
6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-son

«O‘zbekiston Respublikasini 2017-2021 yillarda yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida»gi Farmoni, www.lex.uz

7. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 16 avgustdagi PQ-3217-son

«2018-2019 yillarda turizm sohasini rivojlantirish bo‘yicha chora-tadbirlari tadbirlar to‘g‘risida»gi Qarori. www.lex.uz

8. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 7 fevraldagi PQ-3514-son «Ichki turizmni jadal rivojlantirishni ta‘minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi Qarori. www.lex.uz

9. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 2 apreldagi 03/1-220- son bilan tasdiqlangan «Qoraqalpog‘iston Respublikasi va viloyatlarda namunali fermer xo‘jaliklarini sayyohlarga xizmat ko‘rsatishga moslashtirish, ularga sayyohlarni jalb qilish hamda ularning mamlakatimizda bo‘lish muddat-larini uzaytirish maqsadida agroturizm va qishloq turizmini rivojlantirish bo‘yicha chora-tadbirlar dasturi». www.lex.uz

10. Azizkulov B.X., Siddiqov A.A. Assessment of the features of investment in the development of agrotourism based on a cluster approach. Journal of innovations in economy. 2021. Vol. 4, Issue 1. (40-48) pp. DOI 10.26739/2181-9491-2021-1-6.

11. Busby G., Rendle S. (2000). The transition from tourism on farms to farm tourism. Tourism Management, 21(6): 635-642. DOI:10.1016/S0261-5177(00)00011-X.

12. Здоров А.Б. Организационно-экономические основы развития аграрного туризма. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономический наук. Москва – 2011.